

# ИШОНЧ

34

1992 йил  
24 август  
(73)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



Ўзбекистон  
Мустақиллиги  
ва қасаба  
уюшмалари

## УКРАИНА — ЎЗБЕКИСТОН:

### ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси 19—21 август кунлари Ўзбекистонда бўлди. Делегация таркибида Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси Раиси вазифасини бажарувчи А. В. Ефименко, республика қасаба уюшмалари курортлар кенгаши раиси М. В. Лобада, Луганск вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси В. Е. Мельников, халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Л. С. Сачков бор эди.

Украиналик меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Алламуродов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.



Суратда: Шартномани имзолаш пайти. Сураткаш: Нуъмон Муҳаммаджонов.

МЕҲМОНЛАР республикамизга энг эзгу ниятлар билан — Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш учун Тошкентга келган эдилар. Улар шахримизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиргач, республика қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг кичик мажлислар залига ташриф буюрдилар. Бу ерда шартномани имзолаш маросими бўлди.

Маросим олдидан сўзга чиққан Б. А. Алламуродов ва А. В. Ефименко ўртоқлар янги шартномани тарихий аҳамиятини шарҳлаб бердилар. Бундан буён яна қадимги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тикланади. Шартнома ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат ролини ўтайди.

Янги шаронгта Украина биринчи бўлиб Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасини имзолаётти.

Бундан кейин Россия, Белоруссия, Арманистон, Озарбайжон қасаба уюшмалари делегациялари ҳам янги шартномалар имзолаш учун республикамизга ташриф буюришади.

Шу кун Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Б. А. Алламуродов ва А. В. Ефименко ўртоқлар ўзбек, украин ва рус тилларида имзоладилар. Тантанали маросимда Тошкент шаҳар, вилоят қасаба уюшмалари фаоллари, тармок қасаба уюшмалари Марказий қўмиталари раҳбарлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Украиналик меҳмонлар республикамизда бўлган чоғларида Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари қасаба уюшмалари фаоллари билан учрашдилар, тарихий обидаларни, ўлкамизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар мустақил диёримиздан ёрқин таассуротлар олган ҳолда ўз ватанларига жўнаб кетдилар.

«ИШОНЧ» мухбирлари хабар қиладилар:

## КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА

ҲОЗИРДА кўпгина саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида ҳамда кишлоқ хўжалик тармоғида жароҳатланиш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Наманган меҳнат муҳофазаси мутахассислари ва хайрихоҳлари асосан 1992—1993 йилларда меҳнат жамоаларида қулай ва хавфсиз иш шароити яратиш бўйича кўрик-танлов ўтказишга қарор қилди. Кўрик-танловда мансабдор шахслар, мутахассислар, инженер-техник ходимларнинг, қасаба уюшма ташкилотларининг бу борада амалга ошираётган тadbирлари, меҳнатчиларнинг қасбдан зарарланиш ва жароҳатланишни камайтириш юзасидан тақдим этган янгиликлари, шунингдек, журналистларнинг ушбу мавзунинг ёритиш соҳасидаги матбуот саҳифаларида, радиозиттириш ва телевидение кўрсатувларидаги чиқишлари эътиборга олинди. Кўрик-танлов ғолибларини бир минг сўмдан 5 минг сўмгача бўлган пул мукофотлари кутади.

## ВИЛОЯТДА ЯГОНА

АВТОМОБИЛга ёнилғи қуйиш станциялари Навоий вилоятида анчагина. Лекин Мустақиллик байрами арафасида Навоий шаҳарида ишга тушган янги станция улардан кўп жихатдан фарқ қилади. Бу ерда фақат ёнилғи қуядиган колонкалар эмас, балки станция ёнида бошқа маиший объектлар ҳам қад кўтарган. Хайдовчилар ёнилғини баққа қуйиб бўлгач, шу ердаги эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўконга ташриф буюриши ёки машинасини ювиш комплексига ювдириши, ёғини алмаштириши мумкин. Ходимлар учун эса душхона ишлаб турибди.

Ўзбекистон давлат нефть маҳсулотлари таъминоти қўмитасига қарашли Навоий вилоят бирлашмаси барча қулайликларга эга бўлган шундай ёнилғи қуйиш ва тақсимлаш станцияларини бошқа шаҳарларда ҳам қуришни, мавжудларини таъмирлашни режалаштираяпти.

### ХАБАРЛАР МАҒЗИ



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Қаримовнинг Покистон Ислам Республикасига расмий сафари самарали ақунланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти «Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий химоялашга оид қўшимча тadbирлар тўғрисида» Фармон берди.

● **УРГАНЧНИНГ** «Спутник» йўлдош шаҳарчасида 1000 ўринли

телефон станцияси қуриб ишга туширилди.

● **ҚАШҚАДАРЁ** вилоятининг Ульянов районидаги Денов кишлоқ кенгаши ҳузурида гилам тўқиш цехи очилди. Ҳозирда бу ерда ойига 15 дан зиёд Хива гиламлари тўкиб чиқарилмоқда.

## КИМЁГАРЛАРНИ ХИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА



Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида саноатнинг кимё тармоғи ходимлари социал ва ҳуқуқий жиҳатдан етарлича муҳофаза этилаётими? Ҳозир қасаба уюшмаларининг роли ва ўрни қандай бўлиши керак? Республика саноатининг кимё тармоғи ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг навбатдаги мажлисида шу масала муҳокамага қўйилади.

Мажлис 27 августда Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Чимён» оромгоҳида ўтади. Бир кун олдин йиғилиш қатнашчилари йил бўйи ишлайдиган дам олиш уйи очилишида иштирок этадилар. Бу маскан Марказий Қўмитанинг ташаббуси билан барча кимё саноати корхоналарининг маблағи ҳисобига таъмирланди. Бугун шу корхоналарнинг баъзиларида социал масалалар қандай ҳал этилаётгани ҳақида газетанинг 2-саҳифасида ҳикоя қилинади.

ОБУНА — 93

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1992 йил учун яқка тартибда обуна бўлганлар «Ишонч» газетасини йил охиригача олишларини яна бир бор эслатишга мажбурмиз. Чунки, баъзи газетхонлар «Ишонч»ни июль ойидан буён олмаётганликлари ҳақида шикоят қилмоқдалар. Биз ана шу ҳақли талабларни алоқа бўлими ходимларига ҳавола этарканмиз, уларнинг бу камчиликларни бартараф этишларига умидвормиз. Айни пайтда газетхонларнинг ўзлари ҳам алоқа ходимларига нисбатан бироз талабчан бўлишларини истаймиз.

Биз 1993 йилда ҳам аҳли юрт тақдири, манфаати йўлида сидқидил хизмат қиламиз. Фақат, Сиз йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин (Индекс-64560) бўлган «ИШОНЧ» газетасига ўз вақтида обуна бўлишни унутмасангиз бас.

Корхона ва муассасалар обунасига ҳам ташаббускор бўласиз, деган умиддамиз. Унинг йиллик нархи 312 сўмдир. (Индекс-64561)

«ИШОНЧ» таҳририяти



## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

**Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, кимё фанлари номзоди Ҳамидулла Асадов билан суҳбат.**

— Бирлашмамиз 1974 йилда Ангрен резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати сифатида иш бошланган эди. Дастлабки йиллари комбинатда 1000 дан ортиқ одам ишларди. Ҳозир ишчилар сони 4000 нафардан ошиб кетди. Дастлабки йиллари резина омборлар ва яна уч-тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқарардик, ҳозир ишлаб чиқарётган маҳсулотларимиз хили янада кўпайган.

— Барча жойда иш унумдорлиги биринчи навбатда ишчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликка, маданий-маиший дам олишларига, уларга яратилган шароитларга боғлиқ, Ангрен резиначилари учун қандай шарт-шароитлар яратилган!

— Завод раҳбарияти касаба уюшма кўмитаси билан бирга ишчиларимиз ва улар оилаларининг дам олиши

## ЭРТАНГИ КУНЛАРНИ КЎЗЛАБ

учун барча шарт-шароитларни яратишди. Тянь-Шань тоғлари бағрида 570 ўринли соғломлаштириш лагери туристик базаси ишлаб турибди. Профилакторийда даволанишнинг барча турлари мавжуд. У ерда ишчиларимизнинг дам олишлари, овқатланишлари, дори-дармонлар ва болаларнинг соғлигини сақлаш учун 10 миллион сўмдан ортиқ пул ажратганмиз. Бирлашма қошида қурилатган 380 ўринли янги поликлиника ҳам яқин кунларда ишга тушади.

Шаҳар марказида алоҳида спорт шаҳарчамиз бор. У ерда сузиш ҳавзаси, сауна, 10 минг ўринли ўйингоҳ мавжуд. Ешларимиз учун замонавий ёшлар уйи, ётоқхона ҳамда меҳмонхона қурганмиз.

Профилакторий ишга тушган йили 1162 ишчи, инженер-техник ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари даволанган бўлса, бу йил улар сони 2000 нафарга етди. 1990 йилдан шу кунгача медицина ва бошқа соғ-

лиқни сақлаш жиҳозлари учун салкам 1 миллион сўм сарфланди. Санаторий-профилакторийга эса 1989 йилдан 1992 йилнинг ярмигача 2 миллион 248 минг сўм ажратилди. Бирлашмамиз қарамоғида ҳар бири 340 ўринли 6 та болалар боғчаси ҳам бор.

Ишчиларимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. «Нефткимё» давлат хўжалигини ташкил қилганмиз. У ерда 200 бош қорамол, 1,5 мингта чўчка, 1000 та қўй, 200 қўти асалари боқилапти. Бир гектар иссиқхонада эса лимон, мандарин, турли кўкатлар ва сабзавотлар етиштириляпти.

Бирлашма қошида махсус қурилиш-ремонт бошқармаси тузилган. Ишчиларимизнинг уйлари, дала ҳовлилари, болалар боғчаси завод ҳисобидан қурилади ҳамда таъмирланади.

— Бирлашмада келгусида қандай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, қандай ишларни амалга оширишни мўлжаллаяпсизлар!

— Ҳозир биз асосан республикамиз аҳолиси учун маҳсулот чиқаряпмиз. Айна бизни хом ашё билан таъминлаётган Россия, Украина, Беларусь ва Болтиқбўйи давлатларига ҳам шартнома асосида тайёр маҳсулотлар етказиб беряпмиз.

Келажакда айниқса, калиш ишлаб чиқаришни янада кенгайтироқчимиз. Машиналар учун шиналар, конвейер ленталари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Конвейер ленталарга пахтакор хўжаликларда, ун заводларида, кўмир конларида, озик-овқат ва энгил саноатда, қурилишларда, қишлоқ хўжалигида эҳтиёж жуда катта. Бу ишларни йўлга қўйиш учун Югославия ҳамда Хитой фирмалари билан контрактлар ҳам тузиб қўйганмиз. Келгусида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мукамал формаларига ўтиб, бирлашма қошида турли йўналишлардаги кичик корхоналар очамиз, уларнинг ҳуқуқини кенгайтирамиз.

— Ишчи кадрларни қаерда тайёрлайсиз?

— Бирлашмамиз қошидаги 24-хунар техника билим юртида 640 бола ўқиб, резина соҳасида мутахассис бўлиб чиқади. Инженер-техник ходимлар эса, асосан Тошкент техника университетининг Ангрен филиали ва бошқа олий ўқув юрталаридан келишади.

**Суҳбатдош:**  
**Адҳам ДАМИНОВ.**

## ШУКРОНАЛИК

— ОТИНГНИ сот, молингни сот, кимёгар бўлгин экан-да, қўшини-жон. Ой чиқса ҳам сизларга, кун чиқса ҳам. Маошинлар катта-да-а?

— Етказганига, минг бора шукр. Лекин кимёгар бўлиш осон эмас, қўшни, ишимиз ҳам...

— Биламан, Розахон, касбингиз ноёб. Ишингиз ҳам қийин. Захар-заққум ютиб мўъжиза яратасиз. Шунга яраша кадрланишингиз ҳам керак-да!

— Гапингиз тўғри. Таъминот яхши бўлмаса биз кимёгарлар оғир меҳнатга тоб беролмай қолишимиз турган гап.

...Икки қўшни аёлининг гапидан англадимки, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган кўп сонли кимёгарларнинг социал ҳимояси бошқа корхоналар ишчилариникига нисбатан катта афзалликларга эга экан. Буни мен бирлашмада бўлганимда янада яққолроқ ҳис этдим. Корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ҳамидулла Йўлдошевга йўлда учраган кимёгар аёлининг ўз иши ва турмушидан қониқиб ҳосил этиб қўшнисига айтган шукроналарини эслатганимда мийғидага майингина кулиб қўйди. Сўнг, стол тортмасидан битта китобча билан тўрт варақдан иборат бир ҳужжатни олиб менга кўрсатиб деди:

— Бирлашмамизда 8 минг киши ишлайди. Ҳар жиҳатдан уларни ҳимоялаш даркор. Кўмитамиз билан бирлашма маъмурияти ўртасида йил бошида ишчи-хизматчилар манфаатларини ёқлаш юзасидан тузилган жамоа шартномасини мана алоҳида китобча ҳолида нашр этганмиз. У ҳар бир кимёгарнинг қўлида бор. Хўш, бу шартноманинг шартлари қандай бажариляпти? Кун кеча худди шу масалани маъмурият билан муҳокама этиб, унинг ярим йилликдаги ижроси яқунлари бўйича қарор қабул қилдик.

Биринчи ярим йилликда шартномадаги бажарилишни лозим бўлган 207 та банднинг 187 таси рўйбга чиқди. Тўрттаси ҳозир ҳаракатда. Бирлашмада минерал ўғит ишлаб чиқариш ярим йиллик режаси 103 фоиз адо этилди. Бу жуда катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Жумладан, иш ҳақи сезиларли даражада ошди. 1 июлдан бошлаб маошлар икки баравар кўпайди. Ҳали сиз аёллар суҳбатда кимёгарларнинг имтиёзлари ўзгачалиги аён бўлди, дедингиз. Бу бор гап.

Маошлар яхши. Таъминот жойида. Ҳар бир ишчи учун ойига 250 сўмдан 400 сўмгача тушлик пули бера-япмиз. Икки ярим минг ишчининг тушлиги бепул. 500 кимёгарга ойига 47 сўмдан парҳез овқат талони берилади. Аслида бир кунлик парҳез таомнинг қиймати 22 сўм туради.

Ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бирлашмада бош масала ҳисобланади. Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги бу йил корхона 18 минг квадрат метр уй-жой билан таъминлаш керак. Йил бошидан буён бирлашмамизга 4965 квадрат метр уй-жой ажратилди. Лекин бу жуда кам. Олинган бу янги уйларга ҳамда айрим бўшаб қолган квартираларга 112 та оила кўчиб кирди. Биз бу йил яна 100 дан ортиқ оила учун уй-жой олишимиз лозим. Корхонамиз уй-жой қурилиши учун шаҳарга 42 миллион сўм маблағ ўтказган. Ҳозирда ҳокимлик уй-жойларга бўлган эҳтиёжларимизни тўла қондира олмаяпти. Уй-жой таъминотида ўз имкониятларимиздан ҳам тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бирлашмамизнинг ремонт-қурилиш участкаси иккита 16 квартиралар, битта 32 квартиралар уйлари бунёд этмоқда. Бу уйлар йил охиригача қуриб битказиляпти.

Бундан ташқари яқка тартибда уй-жой қуришга жазм этган 300 оилага ер участкалари бўлиб бериш учун бизга 20 гектарлик ер ажратилган. Бу ернинг санитария ҳолати талабга жавоб бермаётганлиги учун ҳали одамларга тақсимламадик. Бошқа яхшироқ жойдан ер ажратишни Тошкент вилояти ҳокимиятидан сўраяпмиз.

Таъминотдаги иккинчи вазифа, бу кимёгарларни арзон озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат. Бирлашма ёрдамчи хўжалиги бу ишда бизга жуда қўл келяпти. Унда 300 бош қорамол, минг бош чўчка, 30 та от боқилмоқда. Бу ерда йилига 50 тонна гўшт, икки тонна асал, бир ярим тоннага яқин қимиз етиштирилмоқда. Ёрдамчи хўжалигимиз ихтиёрида 10 гектар сўғориладиган ер, 200 гектар яйлов бор. Уни ривожлантиришга шу йилнинг биринчи ярми учун 3 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дарҳақиқат, бизда ҳар бир ишчи-га, унинг болаларига ҳам эътибор кучли. Бирлашмамизга қарашли

10 та болалар боғчасида икки ярим-мингга яқин кичиктоғлар тарбияланмоқда.

Шунингдек, кимёгарлар ўғил-қизлари учун Оқтошда 500 ўринли, Сижоқда 100 ўринли иккита соғломлаштириш лагерлари ишлаб турибди. Ҳозир у ерларда болалар учинчи босқичда дам олишяпти. Болаларга йўлланмалар текин. Аслида ҳар бир йўлланманинг қиймати бирлашма учун 3000 сўмга тушмоқда. Бундан ташқари ишчи ва хизматчиларимизнинг 80 дан ортиқ фарзандлари Иссиқкўлда ҳам дам олиб келишди. Бунинг учун бирлашма 216 минг сўм сарфлади.

Бирлашма қошида 180 ўринли санаторий-профилакторий бор. У йилга икки мингдан ортиқ кишига хизмат қилади. Йўлланма қиймати 3,5 минг сўм турсада, ҳар бир ишчи учун 127 сўмга тушяпти. Борди-ю, бу ерда бирор ишчи боласи билан дам олса, боланинг йўлланмаси бепул. Яна шундай 250 ўринли санаторий-профилакторийни 8-уй-жой массивида қураяпмиз. У 1994 йилда ишга тушади.

Оқтошда эса 250 ўринли дам олиш уйимиз йилнинг март-ноябрь ойлари давомида ишлайди. Сижоқда қурилатган 100 ўринли спорт соғломлаштириш комплекси қурилишида катта ишлар бораляпти. Ҳозиргача қарийб унинг ярми қурилиб бўлинди. 1994 йилда тўла ишга тушади.

Бирлашма жамоаси меҳнат фахрийлари ва ногиронларга ҳаммиса ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозирда бизда 2180 та нафақа олувчи бор. Утган ярим йилликда уларга 100 минг сўмликдан кўп моддий ёрдам бердик. Бизда беш йилдан ўн йилгача ишлаб нафақага чиқса бир йўла минг сўм, 10 йилдан ошиқ ишлаган бўлса 2000 сўм, 15 йилдан ортиқ ишлаган бўлса 3000 сўм, агар 20 йилдан ортиқ ишласа 4000 сўм, чорак аср ишлаганларга эса бир йўла 5000 сўм берилади. Нафақа олувчилар ҳар байрамларда йўқлаб турилади, совға-салом билан тақдирланади.

Яқинлашиб келётган Республика-миз Мустақиллик байрами бирлашмамизда жуда катта тантана билан ўтади. Кимёгарлар маданий саройида бўладиган шодоналарда бадий коллективларимиз, та-ниқли санъаткорлар, кўп сонли меҳмонлар иштирок этишади. Марҳамат, Сизни ҳам байрамга таклиф этамиз.

**Тожибой АЛИМОВ,**  
**«ИШОНЧ» мухбири.**

## ОЛМАЛИҚДАН— ХИТОЙГАЧА

**КОРХОНА** олдидаги кенг хиёбонга ўрнатилган республика харитасида Олмалик шаҳри кичик нуқтадек кўзга ташланиб турибди. Харитага боқиб шаҳардаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаётган маҳсулотлар жаҳоннинг қай томонларига юборилаётганини билса бўлади. Чизиқлар етиб борган нуқталар беҳисоб: Урта Осиёдаги қўшни давлатлар, Россия ўлкалари, Хитой... Демак, корхона маҳсулоти ҳаммага керак. Шу боисдан ҳам бирлашма йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқарётган маҳсулотлари хили кўпайиб бораляпти.

— Бу ЙИЛ янгидан уфакс деб номланган ўғит ишлаб чиқаришга киришдик,— дейди бирлашма бош муҳандиси Маъди Аҳмедшин.— Унинг таркибида 34 фоиз фосфат ва 5 фоиз азот бор. Бу ўғит асосан шўрхок ерларни соғломлаштиришда фойдаланиляпти.

Орол фожияси туфайли шўр босган майдонлар тобора кенгайиб бормоқда. Шу ерлар шошилч равишда шифоланмаса халқимиз насибаси қийилаверади. Ўзбекистон Фанлар академияси минерал ўғитлар институти олимлари билан бирлашма мутахассислари шу фалокатнинг олдини олиш мақсадида янги хил ўғит турини яратишга киришдилар. Изланишлар тезда ўз самарасини берди. Йил бошларида уфакснинг тажриба нусхаси синовдан ўтди ва оммавий тарзда ишлаб чиқариш бошланди.

— Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича янги хил маҳсулот бир ярим йилда бирлашмага 15 миллион сўмлик самара беради,— қўшиб қўйди Маъди Муратович.— «Узселхозхимия» идораси унга катта микдорда буюртма берди. Биздан минерал ўғит олаётган қўшни мамлакатлар ҳам уфакснинг афзал томонларини ўрганмоқдалар. Келажакда буюртмаларнинг яна ҳам кўпайиши кутуляпти.

Лекин хомашёнинг тобора кимматлашиб бораётганлиги маҳсулот таннархини ҳам биров ошириб юбораляпти. Қозоғистондан олинаётган хомашё — фосфоритнинг 1 тоннаси 14 сўмдан 600 сўмгача кўтарилб кетди. Келаси йил яна икки баробар кимматлашиши кутуляпти. Бу ҳол деҳқонлар етиштираётган ҳосил таннархига ҳам таъсир қилмай қолмаяпти. Шундай экан хомашёнинг ким ошди савдосига зудлик билан чек қўйиш керак. Хомашё баҳоси барқарор бўлса, тайёрланган маҳсулот баҳосини белгилашда ҳам барқарорликка эришилади. Бирлашма мутахассислари шунинг тарафдоридирлар. Шундай бўлса ҳам корхона маҳсулотларига талабкорлар тобора кўпайиб бораляпти. Улар ёнига чет эликлар ҳам қўшиляпти. Биринчи бўлиб Хитойдек буюк давлат бирлашма билан мол айирбошлашни таклиф этди. У олинган фосфат, азот эвазига корхонага озик-овқат маҳсулотлари, технология жиҳозлари юбораляпти.

Яқинда Хитойдан иккита ускуна етиб келди. У гўзапоя кипиндан фанеримон юпка пардоз картони ишлаб чиқаради. Ҳозир янги цех учун майдон тайёрланмоқда. Кузда гўзапоя гамалини хомашё сифатида майдаланади ва келаси йил бошидан янги хил маҳсулот ишлаб чиқарилаверади...

Бирлашма цехлари кенг майдонларни эгаллаган. Эски цехлар таъмирланаёпти, янгилари соланаёпти. Агрегатлар кечаю-қундуз тиним билмай ишляпти. Ҳосил бўлаётган аммофос, фосфат, уфакс қопларига жойланиб вагонларга ортिलाёпти. Бир кеча-қундузда 40 вагон ўғит жўнатиляпти. Ҳамма участканинг ўз эгалари бор. Машиналар каби одамларда ҳам тиним йўқ.

— Биз ишчиларни гоёт кадрлаймиз,— суҳбатимизга қўшилди бирлашма касаба уюшмаси кўмитаси раиси Николай Данилович Авдеев.— Беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ишчиларнинг оқлад ва тариф ставкалари икки баробар оширилди. Ҳозирги қийин шароитда ишчиларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида тушлик учун деб маошларига 1000 сўмдан кўшиб берилаёпти. 50 сўмдан транспорт пули ҳам олишяпти. Ишчилар учун ҳовлида 4 та ошхона, учта магазин очилган. Уларда арзон баҳода масаллик ва маҳсулотлар сотилапти.

Бирлашма маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ишчиларнинг фарзандлари учун ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. 5 та болалар боғчасида уларнинг мингдан ортиқ фарзандлари тарбияланаёпти. Болаларнинг ҳар бирига 2 минг сўм сарфланмоқда. Шундан атғи 48 сўмини ота-оналар тўлайди. Илгари 12 сўм тўланарди. Қолган қисми маъмурият ҳисобидан қопланаёпти. Болаларнинг ёзги соғломлаштириш лагерларида ҳам шундай тартиб. 3—3,5 минг сўм баҳоланадиган йўлланмалар учун ота-оналар 125 сўм тўлашяпти, холос. Бу йил 880 бола ёзги каникулни Чимёндаги лагерда ўтказди. Бу лагер кишин-ёзин ишлайди. Қишда бошқа корхоналар ҳам йўлланмаларга буюртма беришяпти.

Билашма маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхона ишчиларини социал-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишининг барча усулларидан самарали фойдаланмоқдалар. Айниса уй-жой шароитини яхшилаш масаласи алоҳида эътибордадир.



— Утган йили ишчиларга 150 та квартира олиб бердик,— деди бирлашма бош директорининг ўринбосари Шариф Розиков,— бу йил шаҳар ҳокимияти билан 5 миллион сўмлик шартномага имзо чекканмиз. Ҳозирча 64 та квартира олдик. Ишчиларнинг дам олишини уюштириш, соғломлаштириш масалалари ҳам эътиборимизда. 100 ўринли профилакторий ишлаб турибди. Корхонадан 15 километр наридаги сўлим дарё бўйида «Гулстон» дам олиш зонамиз бор. Шанба ва яқшаба кунлари у ишчилар билан гавжумлашиб кетади. Кимёгарлар саройида йиғирматага яқин тўгараклар ишлаб турибди...

Бирлашма ховлисини айланиб кўзимиз янги узиб келтирилган мева, сабзавот, янги сўйилган гўшт билан савдо қилаётган дўконларга тушди.

— Булар ёрдамчи хўжалигимизнинг маҳсулотлари,— изох беради Николай Данилович.— Хўжалик аъзолари 226 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти, чорва маҳсулотлари етиштиришяпти. Маҳсулотлар ҳар кун ишлашга келиб турибди. Утган ойларида 38 тонна гўшт, 45 тонна сўт, 65 мингта тухум, 12 тонна мева ва сабзавот етиштирилди. Улар арзон баҳода бокча ва пансионатга етказиб берилди, ишчиларга сотилди. Бу ишларни ташкил этишда кекса кимёгар ва зоотехник Равил ака Рамазоновнинг ҳиссаси катта бўляпти. Ёрдамчи хўжалиги унинг раҳбарлигида самарали соҳага айланиб бораляпти. Яқинда қолбаса цехи ишга туширилди.

Олмалик «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида одамларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги учун ҳам ишлар яхши кетаяпти. Кимёгарлар тажрибасини барча жойда кенг ёйса арзийди.

**Жасур ФОЗИЛ ўғли.**



Суратда давра суҳбати қатнашчилари.

А. ПИШНЕНКО суратга олган.

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси мустақил деб эълон қилингандан буён сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик шабадаси ҳар бир соҳанинг эркин ривожланиши учун кенг истиқболлар очаётганлигини ҳар кун, ҳар соатда сезиб турибмиз. Ҳаётга, воқеаларга муносабатимиз ўзгармоқда, онгимиз ўсмоқда, кўзимиз равшанлашмоқда.

Янги ҳаёт тўлкини касаба уюшмаларини ҳам замонга ҳамнафас бўлишга, иш услубини шу кун талабига мослаб қуришга ундапти. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунда бу оммавий ташкилотнинг бурч ва мажбуриятлари, ҳуқуқ ва имкониятлари очик-ойдин ифодалаб берилди. Шу қонун асосида касаба уюшмалари қандай фаолият кўрсатишлари керак? Умуман қонуннинг ҳаётбахшлиги ва ҳимоялаш кучи нималардан иборат?

«Ишонч» газетаси таҳририяти ташкил этган давра суҳбатида шу масала асосий ўринни эгаллади. Давра суҳбатига деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари жамоа, давлат хўжаликлари касаба уюшмалари, район, вилоят кўмиталари раисларининг бир гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси вакиллари таклиф этилган эдилар. Суҳбатдошлар янги қонуннинг аҳамиятини изоҳлаш билан бирга «Ишонч» газетаси саҳифаларида эълон қилинаётган материалларни ҳам чуқур таҳлил этдилар. 1993 йилда газета учун обунани намунали ташкил этишдаги вазибаларга эътиборни қаратдилар.

Давра суҳбатини «Ишонч» газетаси бош муҳаррири Тўлкин КОЗОҚБОВ бошқариб борди. Қани, суҳбатга кулок тутайликчи, улар нималар хусусида баҳс юритишяпти экан?

**Муҳаммадсоҳи ҲОЖИМУРОДОВ** — Қорақалпоғистон Республикаси Қегайли район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Давра суҳбати фикрларни эркин баён этишнинг энг қулай шакли ҳисобланади. Бугун биз шу имкониятдан фойдаланиб турибмиз.

Касаба уюшмалари ҳақидаги қонун ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистонда илгари бундай қонун йўқ эди. Мустақиллик туфайли ўз қонунимизга эга бўлдик. У биз учун қуролдир. Қонунни яна ҳам такомиллаштириш керак. Чунки, фикримча қонун лойиҳасининг муҳокамаси сует ўтди. Куйи ташкилотларнинг фикри чуқурроқ ўрганилмади. Шундай бўлса ҳам янги қонун моддаларини мутахассислар газетаси орқали таҳлил қилиб берсалар кўп масала ойдинлашарди.

«Ишонч» газетаси тобора оммабон нашрга айланиб бораёпти. Эълон қилинаётган материалларни қизиқиб ўқиямиз. Лекин баъзан киши гагини келтирадиган, муаллифлар томонидан воқеалар нотўғри талқин қилинган мақолалар ҳам учраб турибди. Бунга мисол қилиб газетанинг 11 июль сонидан чиққан «Ортикча бўғиндан қутилдик» сарлавхали мақола келтириш мумкин. Ундаги «...200 нафар ишсиз кишилар иш билан таъминланди, 530 кишига курорт ва санаторийларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтиш учун бепул йўлланмалар берилди» деган гапларга мутлақо ишонмадим. Мен район кўмитасида 5 йилдан бери ишлаяман. Лекин биз бунчалик кўп йўлланмани ҳеч қачон олмаганмиз. Қосон районига шунча йўлланмани ким берган экан, деб хайрон бўлдим.

Ишга жойлаштириш бўйича келтирилган рақамга ҳам ишонмадим. Балки бу район кўмитаси эмас, ишга жойлаштириш бюросининг хизматидир.

**Файзулла МАЪМУРОВ** — Бухоро вилояти Олот райони деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Мен ҳам шу мақолани ўқиб хайрон бўлган эдим. Қосон райони деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Халил Қўзибоев бу мақолани нима мақсадда ёзганлигини тушулмадим. У фақат ўзини мактабди. Бошқа ташкилотлар бажарган ишларни ҳам ўзиники қилиб кўрсатибди. Бунинг устига район кўмитасини вилоят тармок касаба уюшмаси кўмитасига бўйсунмаслик

дан бепул обунани килдирганмиз. Бу йил ҳам шу тажрибани қўллаймиз.

**Озод БОБОЖОНОВ** — Тошкент вилояти Зангиота район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Меҳр кўзда, деган нақл бор. Давра суҳбати баҳонасида бугун бир-биримизни кўриб, дардлашиб ўтирибмиз. Бундай учрашувлар канчалик кўп бўлса, муаммоларни ҳал этиш шунчалик энгил кўчади.

Газета ҳақида мен ижобий фикрдаман. Унга районимизда камроқ обунани тўпланганлигига энди ачинаяпман. Янги йил учун обунани бутун чоралар билан кўпайтирамиз.

Юқорида ҳамкорлик, жипслик тўғрисида яхши гаплар айтилди. Биз район ҳокимлиги билан ҳамкорлик юзасидан битим имзолаганмиз. Бу касаба уюшмаси ҳаётида янгилик ҳисобланади. Ҳозир ҳисобот йиғилишлари ўтаёпти. Бу тадбирлар имкон даражада «Ишонч»нинг эътиборидан четда қолмаслигини истардим. Албатта, биз газета билан ҳамкорликни кучайтиришимиз керак. Шунда бажараётган ишларимиз кўзга кўринади.

**Муҳаммадҷон ОТАҚУЛОВ** — Тошкент вилояти Урта Чирчик райони деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

## ГАЗЕТА — ҲУР ФИКРЛАР МАЙДОНИ

### УНДАН ҚОРА НИЯТДА ФОЙДАЛАНМАНГ

ка даъват этибди. Касаба уюшмаларида бундай «мустақиллик» умумий ишга фақат зиён келтириши мумкин. Биз бир организм бўлишимиз керак. Ҳар хил таърибалар, бўлинишлар, қўшилишлар жонга теғди. Энди бир-биримизга сунган ҳолда мустақил Республика ривожини йўлида иннок меҳнат қилишимиз лозим.

Албатта таҳририят ходимлари ўзаро талабчанликни оширишлари керак. Айниқса янги йил обунаси олдидан газетани қизиқарли, раван, ҳаётни бўймай тасвирловчи мақолаларни кўпроқ бериб бориш зарур, деб ўйлайман.

**Муталибҷон ОРИПОВ** — Андижон вилояти Шаҳрихон райони деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Ун уч йилдан бери район кўмитасига раҳбарлик қилиб келяпман. Биз ўз газетамизга зор эдик. Ниҳоят «Ишонч» газетаси чиқа бошлади. Бу нашр ҳали ёш. Мақолалар янада ҳаққоний, долзарб бўлиши учун муҳбирлар касаба уюшмаси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари керак.

Бизнинг ҳаётимизда теша тегмаган мавзулар кўп. Ҳозир биз жипслашиш ҳақида алоҳида ўйлашимиз керак. Тармоғимизга алоқадор барча ташкилотлар билан мустақам алоқа ўрнатган ҳолда ишлайлик.

**Истамқул ЙУЛЯХШИЕВ** — Сирдарё районидаги «Малқ» давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитасининг раиси:

— Меҳнатқашларнинг жингига тегаётган камчиликларнинг газетанда ёритилиши яхши. Ҳозир давлат дўқонларида ҳам, тижорат дўқонларида ҳам, кўча-кўйда ҳам чайковчилик авжига минган. Лекин уларнинг мушугини биров пишт демайди. Назоратнинг йўқлиги учун ҳам тартиб йўқ. Газета бу вазифани ўз зиммасига олсин. Назорат органлари билан ҳамкорликда адолатни қарор топдирсин.

Хўжалигимизда 2 минг аъзо бор. Уларнинг кўпчилиги «Ишонч»га обунани бўлишган. Камҳарж онларини биз ўз ҳисобимиз

— Газета журналистларининг летучкаларига касаба уюшмаси фаолларини таклиф этиш шарт. Касаба уюшмаси ҳаёти қай тарзда ёритилаётганлиги улар кўзи билан таҳлил этилса маъқул бўларди. Қуйи ташкилотларда ажойиб фаолларимиз бор. Лекин улар ҳаёти газетанда камроқ ёритилаёпти. «Ортикча бўғиндан қутилдик» каби айри мақолалар эса одамларни қалғитаяпти. Мақола муаллифига айтадиган сўзимиз бор: Бизга вилоят тармок касаба уюшмаси кўмитаси керак. Кўпгина муаммоларни биз шу ташкилот билан ҳамкорликда ҳал этаёпмиз.

Тўғри, газета мунозарабоп материаллар бериши ҳам керак, ҳамма ўз фикрини айтишига ҳақли эканлигини инкор қилмайман.

**Урингул ҚУНОРОВА** — Бухоро вилояти Қонимҳўл районидаги «Октябрь 40 йиллиги» давлат наслчилик заводи касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Хўжалигимиз республиканинг олис бурчагига жойлашган. Чамаси, шу бондан ҳам жамоамиз ҳаёти, умуман чорваларнинг қувонч ва ташвишлари «Ишонч»да ҳали ёритилмади. Бизда кўп муаммолар бор. Экология ёмон, йўллар нобон, газ келтирилмаган, сув тақчил, шифохоналар олисда... Бу масалаларни ҳар бир йиғинда кўтараман. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаёпти.

**Маълумотнома:** Қизилтепа районида қуриладиган 100 ўринли санаторий лойиҳаланаёпти. Янги объект қурилишига 15 миллион сўм сарфланади. Хатирчи районида қуриладиган 250 ўринли она

ва бола санаторийсининг лойиҳаси тайёр. Ҳамма хўжаликлар бу объект қурилишига ҳисса қўйиши мумкин. **Шоқамол ЭШМУРОДОВ** — Қарши районидаги «Ленинизм» давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

— Касаба уюшмаси ҳаётидаги кўпгина янгиликларни «Ишонч» орқали билаямиз. Шу жумладан касаба уюшмалари ҳақидаги қонунни ҳам шу газета саҳифаларидан ўқиб, ҳуқуқларимиз кафолатланганлигидан мамнун бўлдик. «Биздан сўрабсиз» руқни остида чиқаётган савол-жавоблар биз учун дастур бўлиб қолган.

Газета касаба уюшмаси ва халқ ҳаётига яна ҳам чуқурроқ кириб боради, деб умид қиламиз. Халқнинг дилидаги гаплар ёзилса халқ газетани яна ҳам севади. «Ортикча бўғиндан қутилдик» мақоласи хусусида эса газетхонларнинг фикрини билдириш керак, шахсан биз маъқулладим.

**Маълумотнома:** Қашқадарё вилояти деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси ҳаёти ва барча район кўмиталари раислари номидан «Ишонч»га мактуб йўллаган ўртоқ Э. Сувонов қуйидагиларни ёзади:

«...деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қосон район кўмитаси раиси Х. Қўзибоевнинг «Ортикча бўғиндан қутилдик» номли мақоласини ўқиб, мақола мазмуни ўзини-ўзи мақташдан, районда қилинаётган ишларни гўё бошқа районларда қилинаётгандек қилиб кўрсатишдан ва нотўғри далиллар келтиришдан иборат деб тушундик...»

1991 йилда 2,5 миллион сўм аъзолик бадалини гўё ўр. Қўзибоев тийинлаб йиққан-у ва ҳаммасини вилоят кўмитаси ўмариб қолган эмиш. Елгон ҳам эви билан-да. 1991 йилда район бўйича бор-йўғи 792,5 минг сўм аъзолик бадални йиғилган бўлиб, унинг 93,3 фоизи ёки 739,7 минг сўм район миқёсида қолдирилган. Социал суғурта бўйича келтирилган далиллар эса бир-бирига зид...

Э. Сувонов яна кўпгина ғализликларни тилга олиб мақола юзасидан баҳс очиниши ва касаба уюшмаси аъзолари фикрини билдириш таклиф этган.

Давра суҳбати уч соатдан кўпроқ давом этди. Ўзаро қизгин баҳслашувлар вақтининг қандай тез ўтиб кетганини ҳам сездирай қўйди. Боёбут район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Нурой Жўраева, Қегайли район «Халқобод» пахта тозалаш заводи касаба уюшмаси кўмитаси раиси Оғирбой Аметов, Шаҳрисабз район деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Незмат Эшбоев ва бошқа ўртоқлар бир-бирдан муҳим таклифларни ўртага ташладилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалар газета мундарижасини бойитишга, янги-янги мавзуларни қамраб олишга, касаба уюшмалари ҳақидаги қонунни ҳаётга кенгрок жорий этишга ёрдам беради.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Т. К. Қўшаев ва кўмитанинг бошқа масъул ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатини «Ишонч» муҳбири Жасур НОСИРОВ ёзиб олди.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** газета халқ манбари экан, унда ҳар бир киши ўз нуқтаи назарини эркин баён этишга ҳақлидир. Бунда фақат шахсий манфаат кўзланмаслиги, ҳақоратомуз сўзлар айтилмаслиги, ёлгон-яшиқ гаплар тўқилмаслиги керак.

Фикрлар хилма-хиллиги ҳозир жуда ҳам зарур. Баҳслашувда ҳақиқат юзага чиқади, адолат тантана қилади, фойдали фикрларнинг кадр-қиммати ошади. Шундай экан, газета бундан буён ҳам ҳолис фикрлар тарғиботчиси бўлиб қолишга ҳаракат қилади.



Ушбу саҳифага келган саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлим мудирини Х. Пиримқулов ва маслаҳатчи О. Завалуновлар жавоб беришади.

???

Шахсий томорқамда етиштириб сотган кўчатларим пулининг умумий миқдори 22500 сўмни ташкил қилар экан, ҳисобчи шундан 6137 сўм даромад солиғи ушламоқчи — шу тўғрими?

С. Қаршибоев,  
Жиззах вилояти, Зомин райони.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига биноан пул ва натура тарзидаги ялпи даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ўртасидаги тафовутдан солиқ олинади.

Даромад олиш билан боғлиқ харажатлар таркибига моддий харажатлар, асосий ишлаб чиқариш жамғармаларини тўла тиклаш учун амортизация ажратмалари; ижара ҳақи, ўз меҳнатидан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган фуқароларга тўланган иш ҳақи харажатлари, давлат ижтимоий сугуртасига ажратмалар, мулкни мажбурий сугурта қилиш бўйича тўловлар, банклардан қисқа муддатга олинган қарзлар (муддати ўтиб кетган қарз фоизи бу ҳисобга кирмайди), шунингдек, асосий ишлаб чиқариш жамғармаларини таъмирлашнинг барча турлари кирди.

???

1. Ишчи ёки хизматчи 1989—1990 йиллари ишлагани ҳисобидан меҳнат таътилига чиқмоқчи бўлса, унга қайси давр меҳнати эвазига ҳақ тўлаш жорий этилган?

2. Қурилиш иншоотларида қайси касб билан ишлаётганларга 55 ёшдан қариллик нафақаси берилади?

3. Менинг отам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 60 ёшга тўлгач нафақа тўлана бошланди. Шу тўғрими?

П. Қодиров,  
Хоразм вилояти, Қўшқўпир район  
касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

1989—1990 йилларда ишлагани эвазига бериладиган меҳнат таътили пулини тўлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тўғрисидаги қонунда биноан ходим таътилга чиқаётган ойдан илгариги 12 календарь ойида (1 числодан 1 числогача) иш ҳақи ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 26 мартдаги «Нафақалар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» ги Фармони чиққандан кейин Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат вазирлиги 1992 йил 10 апрелидаги 479/10-1 рақамли хатида ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш тартибини белгилаб берган.

Қайси бинокорлик касбларига имтиёзли нафақа таъминоти белгиланганини аниқлаш учун Сиз солиқ СССР Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 26 январдаги 10-сонли «Имтиёзли нафақа таъминоти ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорига амал қилишингиз керак.

Отангизнинг фронтда жароҳатланганлиги оқибатида ногирон бўлганлиги ҳақида ҳарбий-медицина ҳужжатлари олишда истиқомат жойидаги ҳарбий комиссарлик ёрдам беради.

???

Мен 1990 йил ноябрь ойидан 1992 йилнинг январигача қизим учун 110 сўм товон пули олар эдим. Шу йилнинг 3 апрелида қизим бир ярим ёшга тўлди. Февраль-март ойлари учун менга ҳақ тўлашмади. Шу тўғрими?

Ф. Оталикова,  
Тошкент вилояти,  
Янгийўл райони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида» ги қарорига биноан фарзанд парварини қилиш бўйича ҳар ойига 110 сўм ёрдам пули, сиз декрет таътилида бўлишингиздан қатъий назар, бола бир ярим ёшга етгунча ҳам тўланади.

Фарзандингиз бир ярим ёшга тўлгач, оила аъзоларингизнинг ялпи даромади жон бошига 700 сўмдан ошмаса, ойига 80 сўм нафақа тўланади.

???

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ айрим муассаса ходимларининг маоши шу йил 1 мартдан бошлаб 1,7 марта ошганлиги маълум. Лекин овқат учун бериладиган пул кўпайиши ўрнига 16 мартдан ногўри тўланганлигини рўқач қилиб, маошимиздан 70 сўмдан ушлаб қолинмоқда. Бунга қандай қарайсиз?

Холмуродов, Матмуротов,  
Айтимбетов, Наметов,  
Нурматов,  
Хўжаниёзов, Есибоев,  
Қорақалпоғистон республикаси,  
Амударё райони, «Қилчоқ» совхоз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нафақалар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимлари иш ҳақини ошириш тўғрисида» ги Фармони биноан 1992 йил 16 мартдан иш ҳақи 1,7 баравар оширилди, имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойга товон пули тўловлари ҳам шу жўмлага кирди, яъни имтиёзли овқатланиш учун пул тўловлари иш ҳақи таркибига қўшилди.

???

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан уй-жой қуриш масаласи мураккаблашиб кетди. Автокорхонамизда ҳар бир кишига 8 соғихдан ер берилган. Ер олганларни эса уй олиш рўйхатидан ўчириб қўйилган эди. Шу тўғрими? Ёки қайта рўйхатга тиклаш керакми?

Ж. Абдураимов,  
Тошкент вилояти,  
Бўстонлик райони.

«Уй-жойларини яхшилашда муҳтож фуқароларни ҳисобга олиш ва турар-жойларни тақсимлаш тўғрисида» ги қондаларнинг 23-бандида уй-

жойини яхшилашда муҳтож фуқаролар қайси ҳолларда рўйхатдан чиқарилиши кўрсатилган. Аммо бу асосларда уй-жой қуриш учун ер участкаси берилган ҳоллар назарда тутилган эмас. Демак, ер участкаси берилгандан кейин шу ерга иморат қурилганга қадар уни рўйхатдан чиқариш юқорида қайд этилган қондаларга тўғри келмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, уй-жой қуриш учун ер участкасини олганлар ҳақиқий турар-жойларини яхшилаб олгунларига қадар рўйхатда бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

???

Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси ва катта бухгалтерга йил якуни бўйича бериладиган йиллик мукофот қандай тўланади?

Т. Маматқулов,  
Наманган вилояти, Задарё райони.

Амалдаги қондаларга кўра маош олиб ишлайдиган касаба уюшмаси ходимларига мукофот пули раҳбар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар учун белгиланган миқдорда берилади.

Сизнинг жамоангизда раҳбар, муҳандис-техник ходимлар учун мукофот миқдори қандай белгиланган бўлса, маош олиб ишлайдиган уюшма ходимларига ҳам шундай миқдорда мукофот пули тўланиши мумкин. Касаба уюшмаси ходимларини мукофотлаш учун мукофотнинг аниқ миқдори юқори касаба уюшмаси органларининг қарори билан тасдиқланади.

???

Сўнгги пайтларда қонунлар асосида бошланғич касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига катта эътибор берилмоқда. Лекин бир муҳим савол бизни жуда қизиқтиради. Яъни, бошланғич касаба уюшмасини ўз банк ҳисобварақасига эга бўлган, тўла юридик шахс ҳуқуқига эга ташкилотга айлантириш мумкинми?


С. Матназаров,  
Хоразм вилояти,  
Хазорасп райони.

Саволингизга жавоб бериш учун аввало «Юридик шахс» тушунчасини аниқлаб олиш керак. «Юридик шахс» нима ўзи?

Ўзбекистон Республикаси гражданлик кодексининг 23-моддасига биноан, махсуслаштирилган мулкка эга бўлган, ўз номидан мулккий ва вазифа бажарувчи, суд ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган корхона, ташкилот, муассасалар юридик шахс, деб тушунилади.

Касаба уюшмалари (шу жумладан, бошланғич касаба қўмиталари) юқорида санаб ўтилган барча шартларга жавоб беради. Шунинг учун ҳам амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасининг 263-моддасида корхона, ташкилот, муассасаларнинг касаба уюшмалари қўмиталари, район, шаҳар, вилоят касаба уюшмалари қўмиталари ва кенгашлари, касаба уюшмаларининг республика қўмиталари ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Республика кенгаши юридик шахсдирлар, дейилади.

● Саҳифани хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими тайёрлади.



— Унта бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса — қилиги, деганлари ҳақ экан, — дейди Имомназар ака завқланиб, — олти фарзандимдан ўн етти неварам бор. Ҳаммаси бири-биридан ширин. Бир кун биттасини кўрмасам, юрагим тўкилиб туради.

Тожикистон республикаси, Хўжанд вилояти Ашт районидаги у бошқараётган Калинин номи жамоа хўжалигида саккиз миллат вакиллари меҳнат қилади. Уларнинг бошини қовуштириб, ишга чорлаш билан унумдорлик учун курашининг ўзи бўлмайди-да, ахир. 34 йиллик раислик даврида қанча-қанча янги посёлқалар жамол кўрсатди, кишлоқлар барпо бўлди.

Суратда: Тожикистон Олий Кенгаши депутаты, Меҳнат қаҳрамони, ҳақиқий ўзбек дехқони Имомназар Хўжаназаров кенжа невариси билан.

Тургунбек МАҲКАМ суратга олган.



### Оғир жисминг агар бўлсин десанг сог Саноч оғзинг сан оч албатта камроғ.

АЙТИШЛАРИЧА, ёмғир ёққан маҳал денгиз тубидаги чиганоқлар юзага чиқиб ёмғир сувига қонғач, қайта денгиз қаърига шўнғир экан. Тўйгунча ютмай бир томчи билангина кифояланиб қолган айримлари ичида вақтлар ўтиши билан дур пайдо бўлар экан. Демак, саноч (эй инсон) оғзинг оч албатта камроғ, деб бежиз айтилмаган. Бу ҳақда Расулulloҳнинг қуйидаги ҳадисларини ҳам келтириш мақсадга мувофиқдир. Ул зот шундай ҳикмат қиладилар: фақат мўминлардагина мужассам тўрт нарса мавжуддир, яъни:

1. Кам гаплик. Чунки у ибодатнинг аввалидур.
2. Камтарлик.
3. Аллоҳни эслаш.
4. Ёмонликдан сақланиш.

Биз бу ерда яна қаноатни ҳам натижасини кўряпмиз. Зероки, бир томчи билан кифояланган чиганоқ дурга айланди. Аждодларимизни «ман қани нажо», яъни ким қаноат қилса, натижа топади, дейиш ҳақлилиги шу мисолдан ёрқин исботдир.

## ОДАМИ ЭРСАНГ

Завқийнинг: «Садафлар кўп оғиз очмак бирла кўкси бўлур ҳоли, надинким оғзини то очди гул барги ҳазон бўлди», дегани кўп ўринли айтилганига тасанно ўқийсан беихтиёр. Баъзан шундай бўлади: биров маъруза бошлайди — қани тўхтатиб кўр. «Нотиҳ маҳмадона бўлса, мажлисни бурди кетарга» айланади. Аксинча, суҳбат олиб борувчи оқил бўлса, фақат ўзи сўзлабгина қолмай, вақт билан суҳбат аъзоларига ҳам навбат берадики, бундан сўзловчи ҳам, эшитувчи ҳам манфаатдордир. Шунда ҳам бамаъни ва тўғри сўзни сўзлаш одобга киради. Жисмоний камчиликлари ишора қилиб, уни камситиш, кибр билан сўзлашлар одобсизликдан нишона. Лақаб ва ўша камчилик исмига қўшилиб айрилган бир оғиз сўз қанчалик иззали.

Ахир, Аллоҳ Таоло Қуръон оятларида бундай ярамас одавлардан қайтарган эмасми? «Бир қавм иккинчи қавмни масҳара қилмасин, балки масҳара қилинганлар Аллоҳни ҳузурда масҳара қилувчилардан яхшироқ бўлиши мумкин».

Даврада ўтирган ҳар қандай одам доимо бир нарса — мен бировга маслаҳат беришга қодирманми-йўқми, деган савол билан ўзига мурожаат қилишни унутмаслиги керак. Лекин баъзан ҳали мўйлаби сабза урмаган ёки мўйчинак нималигини билмайдиганлар катталарга, ота онасига «Сиз тушунмайсиз, Сиз эскича ўйлайсиз», деб кўзларини лўқ қилиб туришларига ҳайрон қоласиз. Шоир айтганидек «Қариганда ёшлигинг асо олиб қайтадур». Ёшлигингда кексаларга нисбатан нима қилган бўлсанг, қариганингда ўшанинг ўзи сенга қайтади, яъни яхшилик қилсанг, яхшилик бўлиб, ёмонлик қилган бўлсанг, ортиқроқ бўлиб қайтади.

Хуллас, кўпроқ эшитиб, камроқ сўзлаган маъқул. Ривоят қилишларича, бир гуруҳ кишилар кўчада кетётган маҳал йўл ёқасида бир йигит бир қарияни калтаклаётганини кўриб қолишибди, улар югуриб бориб ажратмоқчи бўлишган экан, ҳалиги қария: қўяверинг, бу менинг ўғлим, ўзимнинг қилган ишимни ўзимга қайтаряпти, мен ҳам бир вақтлар отамни калтаклаган эдим, деган экан.

Гапирганда доим ўз нутқимизга эътибор бериб, ниятиimizi тўғри ифода қилишимизда ҳам маъни кўп. Сўзни маънили ифода эта билмаслигининг оқибатида бир назар қилинг: она эндигина атак-чечак юраётган боласига «и-и, йиқилиб тушсан», дейди. Узи етиб келгунча бола йиқилди. Агар «йиқилиб тушмагин», деганда, бола балким йиқилмасди.

Энди, боланинг гап қайтариши хусусида. Ота-она буюрган ишни бола пухта бажармаслиги ёки хўп, деб, бажармаслиги, ўйинга берилиб кетганлиги туфайли бажармаслиги ҳоллари ҳозирда кўп учрайди. Илгарилари бундай эмасди. Фикримча, таълим-тарбия муассасаларида диний таълим дарсларини йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Болага аввал маслаҳат билан яхши гапиринг. Қулоқ солмаса қаттиқроқ айтинг, унда ҳам бўлмаса, дакки бериш мумкин. Жони ачидиган даражада эмас, чунки ҳақимлар айтишади: болани кўрқит, лекин ҳаддан оширма.

Биров фарзандим ноқобил, дейди. Бекор гап. Ҳеч ким ноқобил туғилмайди. Кейин ноқобилга айланиши мумкин. Шунинг учун айбни ўзингиздан қидиринг. Ота-она ўздан қидирсин. Зеро Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида: ҳар бир фарзанд қобул бўлиб туғилади. Унинг бирини ота-оналари рухий, бирини насроний ва яна бирини мажусий қилиб юборади, деганлар.

Мумтоз тарбияда баҳор пайти ёш болаларга катталар варрак, ҳуштак ясаб беришар эди. Фарзанд бир фаслда ўсиб, иккинчисида ўсиши секинлашар экан. Масалан, қишда жуссаси кичик бўлиб, баҳорда бўй кўяр, ёзда тўхтаб, кузда яна улғаяр экан. Бу биологик жараён бўлиб, баъзиларда бошқачароқ ҳам бўлиши мумкин.

Баҳор маҳали тол новдасидан болага ҳуштак қилиб берасиз. Бола ҳуштак чалиш билан кўкрак қафасини кенгайтиради. Натижада айрим касалликлардан фориғ бўлади. Ёки варракни олинг. Мовий осмон қўйинда учаётган варракка тикилаётган болада шабкўрлик аломатлари қолмайди. Шунинг учун вақти-вақти билан узоқ-узоққа кўз ташлаш, идрок билан унга тикилиш фойдадан ҳоли эмас. Ланка, чиллак, арқондан сакраш, чертак ва ҳоказо ўйинларнинг фойдаси ҳам махсус адабиётларда кенг ёритилган.

Хулоса шуки, ҳар хил қизиқарли ўйинга чалғитиш билан болани гап қайтармасликка, одобга ўргатиш мумкин. Энди икки оғиз вақт тўғрисида. Инсоннинг умри қанча яшаганлиги билан эмас, қандай яшаганлиги билан ўлчанади.

Ҳикматларда айтилишича: вақт бамисоли қилич. Сен уни кесмасанг, у сени кесиши мумкин. Берилган ўлчоқлик умрнинг энг яхши дамлари жуда тез ўтиб кетади. Шунинг учун уни ғанимат билиб, иложи борича, кўпроқ яхши ишларга, илм-ҳунар ўрганишга сарф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Вақтнинг секин ва бекор ўтадиган қисми ҳам кўп. Турли қабулхоналари, бирон нима харид қилиш учун навбат кутиш билан ўтказилган эсиз-эсиз вақтларга ачинаиб кетасан баъзан. Бекор ўтириб, кун санаб вақт ўлдиришни худо душманининг ҳам бошига солмасин. Айниқса, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, кўча эшиги олдида ўтган-кетгани томоша қилиш билан вақт ўтказиш, домино ўйинига ҳуруж қўйиш, эртадан кечгача телевизор кўриб ўтиришлардан нима фойда? Ушанақаларга бунинг ўрнига бирор фойдали иш билан шуғуллан, деб кўринг, балага қоласиз: «Биз бировнинг иғвосини қилаётганимиз йўқ-ку», «сенинг пулингга ичаяпманми ё?...» Минг пушаймон ейсан кейин.

Ваҳоланки, Расулulloҳ ҳадисларидан бирида «мусулмоннинг иймони комиллиги фойдасиз ишларни тарк этмоғлигидадир», дейилган.

Кишининг бўлар — бўлмасга куйиб-пишавериши ҳам хосиятли эмас. Асабнинг кўзғалишига эрк беравериш — умрнинг эгови.

Торга — тор дунё, кенга кенг, деганлар. Юз эллик ёшдан ошган Шерали ота Муслимовдан «Бу ёшга киришингизнинг боиси нимада?» деб, сўрашганда у: «Кўнглингга ёқмаган одам билан бир нафас ҳам суҳбат қилма», деб насиҳат қилган эканлар.

**Зокирхон АФЗЛОВ,**  
Техника фанлари доктори, профессор.  
**Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,**  
Мовароуннаҳр диний идораси  
таълим-тарбия вазири.

## КИМКИ БЕВАЛАРГА РАҲМ ҚИЛМАСА...

БУНДАН ўн-ўн беш йил муқаддам фалончининг турмуши бўлмапти, бундан ажрабди, деган гап-сўз очилганда хаёлимга мудҳиш фикрлар келарди. Ушанда кимдир жуда катта гуноҳ қилганини ҳис этардим. Кимдир бева қолган аёлга ачиниб, эрни қаргаб, гуноҳга ботирар эди. Ҳатто қўни-қўшнилари ҳам қўйди-чиқди қилганларга бошқачароқ кўз билан қарашарди.

Энди-чи? Хотин қўйиш оддий бир ҳолга айландики, бундай хабарни эшитган кишининг ҳатто эти ҳам жи-мирламайди. Фақат ҳар замонда хотинини кўйиб юборган эр ҳақида бу жувонмарг кўча санғиб, гулдек келинининг умрини ҳазон қилди-я, деб ачини-б қўйишади. Ҳар гал шундай воқеа ҳақида сўз чиққанида мен фақатгина онамдан бир хилда, юлдузи-юлдузига тўғри келмабди-да, нечта боласи бор экан, деганини эшитардим. Болалигимда мағзини чақа олмаган бу жумла замирида қанча-қанча гам андуху қайғу-алам ётаркан. Касбим тақозоси билан ёлғиз оналарнинг дардли мактубларини кўп ўқишга тўғри келган. Уларнинг биронтаси ёлғизлик менга бахт келтирди, деган жумлани битмаганлигини қайд қиламан. Бу кунга келиб ёлғиз оналар турмушида катта-катта муаммоли жумбоқлар юзага қалқдики, агар зудлик билан буларни рўёбга чиқариб, ҳал этмас эканмиз, оқибатда кўпчилик шўрпешона тақдирдан нолиб, кўзлари намга тўлади. Ахир, бир ёлғиз аёл этагида икки-уч норасида тиррик етимни (бу иборани ўта қўпол бўлса ҳам ишлатмасликка илоҳ то-полмадим) етаклаб қайга борсин.

Яқинда бир шоиранинг шеъри билан қўшиққа айланган «Беванинг та-воғида шайтон ўйнайди» сатрларни тинглаб, ўзимиз билган ва таниган, гурбатларни елкасида юк қилиб олиб юрган аёлларга ёрдам қўлини чўзиш зарурлигини дилимга тугдим.


Хўш, ёлғиз оналар нималарга муҳтож? Албатта, ҳам маънавий, ҳам моддий ихтиёжга. Яна ачинарлиси ҳам шундаки, уларга ёрдам бериш ўрнига оддий хайрихоҳликни ҳам ра-во кўролмаёмиз. Ёлғиз бошларига на-домат тошларини отиб қўйганимизни сезмаймиз ҳам.

Қорозга термулиб нималарнидир қо-ралайпман-у, кўз ўнгимда бир дўстим-нинг кечмиши. Ушанда опасини қон йиғлатган, жиянининг кўнглини вай-рон қилган «поччаси» ҳақида айт-ганларини сатрга сиғдирсам беҳаёлик бўлади, деб чўчийман. «Бахти кулган поччаси» пойтахтда насл-насабию, миллатининг тайини йўқ «жононга» эргашиб, қишлоғига келолмай қолган ўша хотинбоз тирик етим қолган «ўғ-лини» ўн етти ёшга киргунга қадар бир марта кўрмабди-я. Ҳа, беш бар-моқ тенг эмас. Гуручининг ҳам курма-ги бўлади. Уша ўн етти йиллик ота деб аталмиш тошбағир падарни кўр-маган укамизга айтар сўзим шу:

**Нима бўлса бўлган наслида,  
Отаси ҳам шундай аслида.  
Қулогинга қуйгинги мумдай,  
Сенинг болаиғ бўлмасин шундай...**

Жиддий ўйлаб қаралса, беваларга жуда оғир экан. Кимдир фарзанд-ларининг насбаси — алиментини вақтида ололмай сарсон. Яна қайси бири уй ололмай ўн йиллаб кимлар-нингдир остонасида ҳокисор. Ҳаёт-нинг заҳматларини қаранг! Бахти кулмай, турмуши бўлмай, юм-юм йи-глаб, болаларини етаклаб, туғилган уйига қайтган бечора аёл ота-онаси-нинг бағрига ҳам сирмай қолади. Укинчларга таскин берувчи бирдан-бир умидворлари — фарзандлари-чи? Улар ҳам вояга етгач онасига кўзини тик тутиб, «агар сиз яхши бўлганин-гизда отам ташлаб кетармиди», де-масмикин? Фарзанддан эшитган бу таъналар юракларга ханжардай сан-чилмайди? Шуларни ўйлаб, бағрим эзилади. Қадингни кўтар, бева она-лар, бу кунлар ҳам ўтар, меҳрибон она табиатимиз сенга ҳам ёруғ нурларини насиб этгувчи замонлар келар, дегим келади.

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ.



Сўзни зоғ бошлади: — Шоҳнинг умри узун, давлати абадий бўлсин. Бизнинг тирикчилигимиз шоҳнинг соғлигига боғлиқдир. Шоҳнинг бошига мусибат тушгандан кейин бизнинг яшашимизнинг нима маъноси бор? Бўйим кичкина ва вужудим заиф бўлишига қарамай мен ўзимни шоҳ ҳазратларига фидо қилишга қарор қилдим... Агар шоҳ менинг гўштинми емоқчи бўлсалар, марҳамат, тайёрман.

Бошқалари дедилар: — Сенинг гўштинг билан ким тўяди?

Шағол сўз бошлади, у ҳам зоғга ўхшаб ўзининг фидокорлигидан лоф ура бошлади. Шериклари унга: — Сенинг гўштинг сассиқ ва зарарли, шоҳга лойиқ эмас, — дедилар. Ундан кейин бўри гап бошлаб, ўз гўшти яхшироқ эканини айтди. Шериклари бўрига ҳам эътироз билдириб: — Сенинг гўштинг қаттиқ, томоққа тиқилиб қолади ва заҳарлайди. Сени ҳам еб бўлмайди, — дедилар.

Навбат бечора туяга етди. У маккор шерикларининг «самимий»лигига ишониб, ўз гўштининг тоза ва лаззатлигини мақтай кетди. Ҳаммалари бир овоздан унинг сўзини қувватладилар: — Жуда тўғри ва чин юракдан гапиряпсан, ўзинг чиройлисан, гўштинг мазали, подшоҳ ҳазратларининг мижозларига жуда мос келади, ҳаммамизга ҳам етади, — деб ҳаммалари туя устига ёпирилиб, бечорани пор-пора қилдилар. Шу йўсинда туя уларнинг ҳийла тузоқларига илиниб, ҳалок бўлди.

Бу масални шунинг учун келтирдимки, агар душманлар йўғилиб сўзни бир ерга қўйсалар, уларнинг ҳийласи бекор кетмайди.

Димна деди: — Хўш, сен қандай фикрдасан?

Шатраба деди: — Урушиб қаршилиқ кўрсатмоқдан ўзга иложим йўқ. Агар бир одам умр бўйи ибодат қилиб, мол-мулкни фақир-фуқарога улашса, барибир унинг савоби ўз мол-мулкни, ўз номусини сақлаш учун бир соат курашган одамнинг савобидан кам бўлади. Чунки курашиб ҳалок бўлган кимса ҳам шуҳрат топиб, ҳурматга сазовор бўлади, чунки бундай ўлим шарафли ҳисобланади. Пичоқ суякка етганда, жон бўғизга келганда мол-жон, имон ва маслак учун олиб бориладиган курашнинг савоби жуда катта.

Димна деди: — Ақлли одам олишувга ошиқмайди, тайёргарлик кўрмасдан катта ва таҳликали ишини бошламайди. Душман билан мумкин қадар юмшоқ муомала қилиб низоли тинчлик ва дўстлик йўли билан ҳал этишга тиришади. Донишманд кимсалар ўзларининг заиф душманларига ҳам менсимаслик билан қарамайдилар, чунки душман кучсиз бўлса, ҳар хил ҳийла ва найрангга мурожаат қилади, шу йўл билан у ғалаба қозониши мумкин. Ҳолбуки, шерининг қўрқмас, жасур, кучли ва қудратли эканлиги ҳаммага маълум. Кимки душманни менсимаса ва урушнинг нима билан тамом бўлишини олдиндан кўрмаса, татавани писанд қилмаган дарё тангриси каби пушаймон бўлади.

Шатраба сўради: — Татава нима қилибдики, у пушаймон бўлган?

Ҳикоят. Димна деди: — Айтибдурларки, денгиз қирғоғида татава деган бир жуфт қуш яшар эди. Бир кун татаванинг модаси:

— Тухум қўймоқ учун яхши жой топиш лозим, — деди.

Нар жавоб берди: — Тухум қўйишга шу ер яхши, бошқа жойга кўчишга эҳтиёж йўқ.

Мода деди: — Уйлаб кўриш керак. Агар денгиз тошиб, мавж урса, тўлқин болаларимизни олиб кетади, меҳнатимиз зое кетади.

Нар деди: — Денгиз тангрисининг юрак ютиб биз томонга келиши гумон. Агар бу ерга келиб болаларимизни ҳалок қилса, ундан қасос олиш осон.

Мода деди: — Одам ўз кучини билса, ҳаддидан ошмас яхши бўлади. Сен қайси куч ва қудратингга ишониб, денгиз тангрисига таҳдид солсан ва қасос оламан, деб қўрқитмоқчи бўласан? Бу фикрдан қайт, ҳавфсиз бир жой топишга урин. Хайрихоҳ дўстлар сўзига кирмаган кимса тошбақанинг ҳолига тушади.

Нар сўради: — Тошбақа нима бўпти?


Ҳикоят. Мода деди: — Айтибдурларки, бир кўлда икки ўрдак ва бир тошбақа яшардилар. Қўшни бўлганлари учун улар бир-бирлари билан дўст ва иттифоқ эдилар. Бирдан ғадар фалак уларнинг тинчгина турмушини бузди. Уларнинг ҳаёт манбаи бўлган сув кама яхши бўлди. Буни кўрган ўрдаклар тошбақа ёнига келиб дедилар: — Видолашмоққа келдик, эй азиз дўстимиз, саломат қол!

Тошбақа бу гапни эшитиб, нола қилди ва кўз ёшларини оқизиб деди: — Эй менинг азиз дўст ва меҳрибон биродарларим! Сувнинг озайиши мен учун яна ҳам даҳшатлидир, мен сувсиз яшай олмайман. Энди муруват вақти келди, мени ҳам халос этмоқ учун бир тадбир кўринглар.

Ўрдаклар дедилар: — Сендан айрилиш ва ҳижрон дардини чекиш биз учун янада оғир. Сендан ажралиб қаерга кетмайлик ва қандай нозу неъмат ичида яшамайлик, бизга татимайди. Лекин сен ўз дўстларинг насиҳатларига қулоқ солмайсан, ўз фойдангн тушунмайсан. Сени ҳам бирга олиб кетишимизни хоҳласанг, бир шартимиз бор: осмонга кўтарилгандан кейин бизни ким кўрмасин ва нима демасин, индамайсан, оғизни маҳкам юмиб кетаверасан.

Тошбақа деди: — Розиман. Айтганингизни қиламан: тишимни тишимга қўйиб, ҳеч нафасимни чиқармайман.

Ўрдаклар бир новда топиб келтирдилар. Тошбақа унинг ўртасидан тишлади, ўрдаклар икки бошидан



тишлаб осмонга кўтарилдилар. Одамлар уларни кўриб таажжуб билан ўнг ва сўлдан: «Уҳ-ху, анавини қаранглар, ўрдаклар тошбақани учуриб олиб кетяпти», — деб қичқира бошладилар. Тошбақа бир муддат индамай борди, кейин ўзини тутта олмай, «кўролмаганларнинг кўзи чиқсин», демоқчи бўлиб оғиз очган эди ҳамки, ерга тушиб чилпарчин бўлди.

Ўрдаклар бу воқеа ҳаммага ибрат бўлсин, деб уни ҳар ерда гапириб юрдилар.

Нар деди: — Нима демоқчи бўлганингни тушундим. Лекин бунга қарамай кўрқмасдан тухумларингни шу ерга қўявер. — Мода унинг айтганини қилди. Нарнинг баландпарвоз сўзларидан ғазабланиб денгиз тангриси қаттиқ тўлқин кўтарди. Тўлқин қушнинг эндигина тухумдан чиққан болаларини олиб кетди.

Бу ҳолни кўрган мода изтиробга келиб нарга деди: — Сув билан ҳазиллашиб бўлмаслигини билардим. Сен эса ўз манманлигинг билан болаларимизни ҳалок этдинг. Энди ўз бошимизга бир фалокат келмасайди.

Нар деди: — Кўп куйма. Киши тупурган тупугини қайтиб оғизга олмайди. Мен айтган сўзимда туриб денгиз тангрисидан албатта қасос оламан.



Эркак татава дарҳол бошқа қушларнинг ёнига борди. Уларнинг бошлиқларини йўғиб ўз бошига тушган фалокатни уларга айтиб бериб, деди: — Агар ҳаммамиз бир бош, бир қанот бўлиб бу балонинг олдини олмасак, денгиз тангриси ҳаддидан ошиб қутураверади, бутун қушлар-наслини йўқ қилиб юборади.

Қушлар йўғилиб Семурғнинг ёнига келдилар ва аҳволни унга батафсил сўзлаб бердилар: — Агар денгиз тангрисидан ўч олиб бера олмасанг, бугундан бошлаб сени қушларнинг подшоҳи деб танимаймиз.

Семурғ буни эшитгач, қанот қоқиб осмонга кўтарилди. Бундан далдаланган бошқа қушлар ҳам денгиз тангрисидан интиқом олиш учун Семурғнинг кетидан парвоз қилдилар. Денгиз тангриси Семурғнинг қудратини ва баҳамжиҳат бўлган бошқа қушларнинг куч ва матонатини яхши биларди. Шунинг учун татаванинг болаларини қайтариб беришга мажбур бўлди.

Димна деди: — Мен бу масални шунинг учун келтирдимки, ҳеч вақт душманни менсимаслик керак эмас, биринчи бўлиб уруш бошлаш оқил кишининг иши эмас.

Шатраба деди: — Мен бу масални шунинг учун келтирдимки, ҳеч вақт душманни менсимаслик керак эмас, биринчи бўлиб уруш бошлаш оқил кишининг иши эмас.

Шатраба деди: — Хўп, мен биринчи бўлиб уруш бошламайман, лекин шер менга қасд қилса, ўзимни мудофаа қилишга мажбур бўламан.

Димна деди: — Албатта шундай қилиш керак, энди ҳужумга шайланган шернинг аломатларини айтиб берай: агар шер қоматини букиб, тукларини хурпайтириб, думларини ерга урганини кўрсанг, билгинки, у ҳужумга тайёрланаётир.

Шатраба деди: — Яхши, мен бу аломатларни кўрсам, бутун шубҳаларим тасдиқланган бўлади ва шернинг менга ҳамла қилмоқчи бўлганига ишонч ҳосил қиламан.

Димна шоду хуррам бўлиб Калиланинг ёнига келди.

Калила сўради: — Ишларинг қандай боряпти?

Димна жавоб берди: — Кўнгилдагидек, ҳамма иш ўз жойида...

Сўнгра иккаласи шер ёнига келдилар. Шу пайт Шатраба ҳам келиб қолди. Шернинг назари Шатрабага тушиши биланоқ қаддини букиб, думини ерга ура бошлади.

Шатраба, шер ҳужум қилади, деб ўйлаб, ўз-ўзига деди:

— Шоҳ хизматида бўлмоқ илон билан бир ерда ётмоқ ёки шер билан бир ғорда яшамоқ каби кўрқинчли ва таҳликалидир. Илон ухлаган ва шер уйқуга кетган бўлса ҳам охирида бири заҳрини солади,

иккинчиси эса ҳамла қилиш учун оғзини очади. — Шатраба буларни хаёлдан кечиргач, у ёқ-бу ёққа қараб жангга ҳозирланди. Буни кўрган шер ҳужумга ўтди. Икковлари узоқ олишди, ҳар икки томондан ҳам кўп қон тўкилди.

Калила бу ҳолни кўриб Димнага деди: — Минг ҳийла минг бор фитна қўшдинг сен, Орзуингга осонлик-ла етдинг сен, Ёғса ҳамки ёмғир тинмай уч юз йил, Юва олмас сен кўтарган чангни бил. Эй нодон! Энди ўз макр-ҳийлангнинг қабиҳ оқибатини томоша қил!

Димна сўради: — Қайси қабиҳ оқибатни?

Калила деди: — Валинеъматинг бўлмиш шернинг шармандали иши, ҳўкизнинг ўлдирлиши ва қонининг бекорга оқизилиши, сипоҳ орасидаги парокандалик сенинг қўпол маккорлигинг оқибатидир. Агар сен нодон бўлмасайдинг, бу шерни бундай қабиҳ жиноят қилишга қадар олиб келмаган бўлардинг. Одамларнинг энг нодони ўз дўстини кераги йўқ урушга тартади. Ақлли одамлар қудратли, кучли, энгилмас бўлганлари ҳолда ҳам урушдан ўзларини опқочганлар, фитнани бостириш уруш таҳликасини йўқотишни зарур деб билганлар. Мусоҳиба йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларда ўз шоҳини урушга чорлаган вазир энг аҳмоқ ва энг нолойиқ вазирдир. У хиёнат қилиб ишга зарар етказишдан бошқа ярамайди, чунки мансаб эгаларининг ақли қиличидан ўткир бўлмоғи лозим. Қилич билан эришиладиган нарсага ақл ва тадбир воситаси билан ҳам эришиш мумкин. Маслаҳат билан битиши мумкин ишларни дудама ханжар билан ҳам барта-раф қилиб бўлмайди...

Мен сенинг худбинлигингни, ширин хаёл ва ёқимли тушга ўхшаган бу алдамчи дунёнинг бойликларига ҳарислигингни яхши билардим. Лекин буларни юзингга айтишга андиша қилар эдим. Фафлат уйқусидан уйғониб ўзи тушуниб қолар деб юрар эдим. Лекин сен тобора ҳаддингдан ошяпсан. Энди сенинг баъзи нуқсонларингни кўрсатиш, нақадар жоҳил ва нодон эканлигингни, нақадар ярамас ишлар қилганлигингни очиқ айтиш вақти келди. Лекин менинг айтадиганларим «дарёдан бир қатра» қабилида бўлади. Айтибдурларки, подшоҳ учун сўзи ишидан устун бўлган вазирдан кўра хавфли нарса бўлмайди. Сўз бериб бажармаган одам билан айтмасдан ишни бажарган одамнинг фарқи катта. Сенда шу хусусият бор: тилинг хунарингдан, сўзинг ишингдан устундир. Шер сенинг айтганларингга ишониб бечора ҳўкизни ҳалок қилди. Дебдурларки, сўз тажрибага асосланмаган бўлса, шакл мазмунсиз, давлат адолатсиз, дўстлик садоқатсиз, бойлик саховатсиз, илм ҳикматсиз, ҳаёт осойишталиксиз бўлса, улар бефойдадир. Саховатли ва адолатли шоҳнинг вазирини ёмон ниятли, раиятга зулмкор бўлса, фуқаро шоҳ адолатидан маҳрум этилади, марҳамат эшикларини улар юзига беркитилади. Бу эса ичида наҳанг яшайдиган тоза ва ширин сувли ҳовузга ўхшайдики, ҳар қандай ташна одам унга на қўл суқа олади ва на оёқ.

Содиқ ва ишбилармон хизматчиларнинг кўплиги яхшидир, улар подшоҳликнинг зийнатидир. Сен эса шернинг ёнида мендан бошқа ҳеч ким бўлмасин, унинг энг яқин ва ишончли маҳрами фақат ўзимгина бўлай дегсан. Лекин ўзгаларни бахтсиз қилиб бахтга эришган, содиқ ва самимий дўстларга хиёнат қилиб, уларни ҳалок этиш йўли билан ҳурмат қозонмоқчи ва мансабга эришмоқчи бўлган одамдай аҳмоқ ва разил зотнинг бўлиши мумкин эмас. Риёкорлик билан ибодат қилиб савоб топиш, ёмон ният ва зўрлик билан аёллар муҳаббатига сазовор бўлиш, заҳмат чекмасдан илмга етиш мумкин эмас. Лекин бу сўзларимдан фойда йўқдир, чунки биламан, улар сенга таъсир этмайди. Менинг сенга насиҳатим бир қушнинг маймунларга берган насиҳатига ўхшайди.

Димна сўради: — У қандай насиҳат?

Ҳикоят. Калила деди: — Бир тўда маймунлар бир тоғда яшар эдилар. Бир кун қуёш ботиб, дунё юзини зулмат пардаси қоплаганда жилвоқсиз изғирин ҳар томонга югура ва маймунларга ҳужум қила бошлади. Бечора маймунлар совуқдан титрар ва исиниш учун бирон чора ахтарар эдилар. Ногоҳ бир жойда ялтироқ қуртнинг кўриб қолдилар. Уни чўғ деб ўйлаб, талай ўтин йўғиб атрофига қаладилар ва ҳадеб пуфлай бошладилар. Уларнинг қаршиларидаги



дарахт устида бир қуш: «Бу олов эмас, кечалари ялтираб кўринадиган ялтироқ қурт», — деб қичқириб, фарёд қилар эди. Маймунлар эса унинг гапига эътибор бермас эдилар. Шу аснода ўткинчи бир одам келиб аҳволни кўрди ва қушга: «Ўзингни кўп койитма, улар сенинг сўзингга қулоқ соладиган, фойдасиз ишдан воз кечадиганлардан эмас, уларга насиҳат қилиш — қиличчи тошга уриш ва шакарни сув остига бекитиш билан баробардир», — деди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).





# ТОПИЛМАГАН ХИКОЯ

У  
И  
А  
Б

МЕНИ қадим замонлардан буён билишади, зеро мен бўлганман, борман, бундан кейин ҳам бўламан. Поршенларни, моторларни, магнитларни ким ҳаракатга келтиради, ким иситади, совутади, тузатади ва ўлдиради? Мен! Мен бўлмасам инсон кўр, қар, соқов бўлиб қоларди. Менсиз тараққиёт тўхтаб, жамият тош даври даражасига тушиб қоларди. Шу боисдан менга минглаб китоблар бағишланган, бир талай кашфиётлар қилинган, ҳатто айрим тадқиқотчиларнинг фамилиялари мен билан боғлиқ. Қисқаси, мен — йўналтирилган электронлар оқимиман ёки оддий

одамлар ё талвасага тушиб қалтирашади ёки бутунлай тинчиб қолишади, ваҳоланки мен уларга атиги 220 вольт ёки ундан сал кўпроқ куч билан: «Мен шу ерданман, келинлар, ҳамкорлик қилайлик, бир-биримизни тушунайлик», деб оҳиста уқтираман. Қаёқда дейсиз! Бу ақл эгалари сира тушунишмайди. Шунда мен бошқача йўл тутаман, масалан, аниқ ишловчи асбобларнинг маълумотларини чалқаштириб ташлайман. Аммо одамлар яна ақли калталик қилиб, буни техниканинг носозлигига йўйишади. Ўзим принтерларни ишлатиб, инсониятга мурожаатнома ёзаман,

носозликларнинг асл сабабини барибир тушуна олмайди!).

Менинг укам — атмосфера электри — кўпинча яшин шаклида намоеён бўлади, у ҳам одамлар билан алоқа ўрнатишга уринади. Унинг тегиб кетиши натижасида одамлар кўпинча нобуд бўлишади, тирик қолганлар эса баъзан унинг фикрини тушунишади ва бошқаларга ҳам тушунтиришга интилишади. Бироқ уларни тез орада ғалати кийим кийдириб, ёпиқ бинога қамаб қўйишади. Укамнинг болалари — шарсимон яшинлар — ўз оталарининг уринишлари зое кетаётганини кўриб, одамлар билан мушук-сичқон ўйнашади. Албатта, бу уларга ёқмайди, лекин барибир бола болалигига боради-да, ўйиндан ўқ чиқиши мумкинлигини ўйламайди!


Дарвоқе, акам — ядро энергияси ҳақида гапириб беришни унута-ёзибманку! Уни чинакам мард ва доно киши, деса бўлади. У ўзини оғир, вазмин тутишга ҳаракат қилади, унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлмасликларини ёқтирмайди. Бунақа ҳолларда у назоратдан чиқиб кетади, жуда хавфли бўлиб қолади, чор-атрофдаги ҳамма нарсанинг қулини кўкка совира бошлайди. Унинг ғазоби шу қадар даҳшатлики, одамлар бундай сабоқни кейин анчагача эслаб юришади. Гарчи булар, акам билан ҳазиллашиш бутун сайёра учун, уларнинг тараққиёти учун ёмон тугагини билишса ҳам, барибир уни ўзларига тенг кўришмайди, онглилигига ишонмайди. Акам эса ҳали умидсизликка тушганича йўқ.

Холам — гравитация, тоғам — магнит майдони, бобом — космик нур, бувим — иссиқлик ва бошқа қариндошларимиз одам зотига эътибор бермай қўйганига анча бўлган. Одамлар билан гаплашишга уларнинг ғурурлари йўл қўймайди. Керак бўлса, одамларнинг ўзи онгнинг жонсиз шакли билан алоқа ўрнатишга уринаверсин, дейишади.

Гоҳо қаттиқ жаҳлим чиқади-ю, бутун инсониятни жазолашга аҳд қиламан. Лекин одамларга инсоф бериб қолар, деб ўзимни босаман.

Алишер ТАКСАНОВ.

## «БИЗ БИЛАН АЗИЛЛАШ-МАНГ»



ТОПИЛМАГАН ХИКОЯ

қилиб айтганда, электрмэн. Мен ҳақимда ҳар бир мактаб ўқувчиси билади, лекин мен ҳам онгли эканимни хаёлига келтирмайди. Дарвоқе, мен симларда, аккумуляторларда, батареяларда, динамо-машиналарда, генераторларда ва ҳоказоларда яшайман ва токи мени вужудга келтирувчи техника ишлаб турар экан, мен ҳам яшайвераман.

Одамлар, фақат жонли табиатда онг бўлиши мумкин, деб ҳисоблашлари алам қилади менга. Шунинг учун мен ўзим улар билан алоқа бўлганга интиляпман. Бироқ, менга хавотир билан қарашади, шунчакам кўрқашадики, асти қўяверасиз! Атайлаб ҳамма ёқни ток ўтказмайдиган қобиқ билан ўраб ташлашади, лекин эҳтиётсизлик орқасида баъзан у ер-бу ерда тирқиш қолиб кетади. Ана шунда мен ўзимни кўрсатишга шошиламан. Тўғри, бунақа танишувдан кейин

лекин саъй-ҳаракатларим яна беҳуда кетади: идрок соҳиблари буни нима учундир бирор кишининг тентакнамо қилиғи ёки навбатдаги фантастик асар, деб қабул қилишади. Баъзан фан-техника тараққиёти ютуқларидан умидвор бўлиб, компьютерлар орқали алоқа ўрнатишга уринаман. Бунинг учун дисплейлар экранига ўз саволларимни ёзиб қўяман. Операторлар эса бунга жавобан эслари оғиб қолгунча дастурлардан хато излашади-ю, матнга ҳам, ивончли далилларга ҳам эътибор беришмайди. Жаҳлим чиққанидан сақлагичларни куйдираман, пробкаларни отаман, катушка ва трансформаторларни ёндириб юбораман, техникани ишдан чиқараман-да, кейин одамлар қандай қилиб ғамирлаб қолишларини, югуриб елишларини, бош қотиришларини томоша қиламан (тўғри, улар бу

## МУМАЙ ПУЛГА СОТИЛАДИГАН МАСЛАХАТЛАР

ЛАЪЛ — коинотдан келган кизғиш нурни таратади. Бу тош шамоллашни даволашда жуда қўл келади. Табиатда спектрнинг кизил қисми намликка таъсир ўтказиши; у дарахтлар барглари қуритади, ўтинни ёнадиган қилади.

МАРВАРИД (ДУР) — Ойга қиёс қилинади. Бу совук тош; у таратадиган совук пушти нур аъзолардаги орттиқча иссиқлик ва нам етишмаслиги натижасида келиб чиққан касалликларни даволашда фойда беради.

ЗУМРАД — бу тош совук яшил нур таратади. У ижобий, бирлаштирувчи қувватга эга. Ўтмишдаги баъзи олимларнинг фикрича, зумраддан таралувчи нур юраги хасталарга, қон босими ўзгарувчан кишиларга, яллиғланиш, бош оғриғи, грипп каби касалликларга чалинганларга дармон беради. Бундан ташқари, яшил нурлар бўлма, куйиш, тери касалликларини тузатишда ҳам шифобахш таъсир кўрсатиши кайд этилган.

## Хандолаб



### ТУЗ ЙИГИЛГАН

Қаюм аския невропатолог врач ҳузурига кириб шикоят қилди: — Дўхтир, бир йилдан бери тиззам оғрийди. Врач рентген тасвирига қараб деди: — Туз йиғилибди. — Қизиқ, ошхонада йўқ туз, тиззамда бор эканми?

### ЕТГАНИ КЕЛГАНМАН

Ун беш суткага тушганлар хонасига ҳушёрхона бошлиғи ва бир неча ходимлар кириб келди. Хонадагиларнинг ҳаммаси уларнинг ҳурмати учун ўринларидан туришди, фақат юзлари чандиқ бир киши қимирламади. Бошлиқ унга мурожаат қилди: — Сиз нега ўрнингиздан турмайпсиз? — Кечирасиз, бу ерга ётгани келганман.



Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

## НУРОН-АТДА

IBM PC AT 286/287, (USA), 16, HVUNDAI — 190 минг сўм  
ПЭВМ ЕС 1841.10, тор принтерли, рангли монитор — 55 минг сўм  
«GOLD STAR», видеоплеери, телевизор 0 51 (Хитой) — шартнома нархида  
Ҳоҳлаган оргтехника учун буюртма қабул қилинади.

### ШУНИНГДЕК, ҚУЙДАГИ ДАСТУРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

— иш ҳақининг тўла ҳисоб-китоби (ўзгариб турадиган солиқ шқаласига ва ҳисоб-китобнинг маҳаллий хусусиятларига мослаштириш осон)  
— молиячи ходим иш жойи (ҳисоб варақалари бўйича пулларни тақсимлаш ва корхона балансини тузиш)  
— моддий бойликларни ҳисобга олиш

Бу дастурлар туркумидан тажрибали ходим ҳам, энди иш бошлаган ходим ҳам фойдалана олади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700077, Буюк ипак йўли (собиқ Луначарский) кўчаси, 63-уй, 202а хона.

қуйдагиларни таклиф қилади:

Бизнинг телефонларимиз:  
67-85-87  
67-22-08  
67-77-06  
Факс 67-24-50

17 августгача бўлган нарх

кичик корхоналар учун — 5 минг сўм  
ўртача ва йирик корхоналар учун — 15 минг сўм.

— 4,9 минг сўм  
— 10 минг сўм



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САИДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛҒАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибнинг — 56-87-59

### БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Бездатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 54697;  
Гулистонда — 21002;  
Самарқандда — 351130;  
Урганчада — 68782;  
Қаршида — 53670.

● Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятни муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 2 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 21 августда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Жоғри Абдуллахонов.

● ҚўНИМГОҲИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-309

● 113670 нусхада босилди  
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12